



## “Етакчи тадбиркорлар” тажриба ўргатади

Маҳалладаги 45 нафар ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-хунарга ўқитиш учун тавсиянома берилди.

2-с.

## Ҳар бир бола ота-она меҳрига пайванд бўлса...

Етим ва ота-она қарамоғидан махрум болалар учун “Ихтисослашган тутинган оила” тизими жорий этилади.



7-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ, МАЪНАВИЙ-МАБРИҲIIЙ ГАЗЕТАСИ

2024 йил  
28 МАРТ,  
ПАНШАНБА

# Маҳалла

№20  
(2158)

WWW.UZMAHALLA.UZ

## БУГУНГИ СОНДА:

### “Изланиш, интилиш заррача сўнгани йўқ”

2024 йилда “Ёшлар дафтари”даги 10 нафар ёш келажак касбларига ўқитиш белгиланган. 10 нафарини касб-хунар марказида ўқитиш, 5 нафар ёшга субсидия ажратиш, 12 нафар ёшни шартнома пулини тўлаб бериш кўзланган. Бундан ташқари, маҳалла идорасида кутубхона ташкил этиш орқали ёшларнинг китобхонликка қизиқишини оширишмоқчимиз.

4-с.

### Ҳар бир ходим кунлик натижалар билан ишляпти

“Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими асосида ҳар бир солиқ хизмати ходими кунлик натижалар билан ишляпти. Натижада ходимлар фаолияти юқори самарадорлигига қараб рағбатлантирилмоқда ёки аксинча, рейтинг паст ходимларга белгиланган тартибда тегишли интизомий чоралар қўрилмоқда.

5-с.

### Жиноят бўлмаса-да, кузатув тўхтамайди

Маҳаллада жорий йил ҳисобиди бирорта жиноятчилик қайд этилмади. Бироқ ҳудуд осойишталигини таъминлаш мақсадида ҳозирча 32 та кўчанинг тўрттасига кузатув камералари ўрнатилди. Фуқароларнинг хоҳиш-истакларига қараб, савдо дўконлари ва хонадонларига қўриқлаш-кузатув камералари қўйилмоқда.

6-с.

### Фитр садақаси кимларга берилади?

Фитр садақасини Рамазон ҳайити куни тонг отгандан бошлаб, ҳайит намозига чиқишдан олдинги вақтга қадар бериш вожиб ҳисобланади. Рамазоннинг аввалидан берилса ҳам бўлади. Аммо Ҳайит намозидан кейинга қолдирмаслик керак. Агарда киши фитр садақасини ийд намозигача бера олмаса, намоздан кейин беради, лекин савоби Рамазон вақтида берганчилик бўлмайди, аммо бериши шарт.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!  
@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallalabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



Мақсад — кимдир ишсизми, айнан ишини маҳалладан топсин, кимдир хунар ўрганмоқчимиз, шу ерда ўргансин. Кимдир тадбиркорликка қизиқсади, кўмакни айнан маҳалладан олсин. Президентимиз ана шунини истаяпти. Яъни одамлар давлат меҳрини айнан шу манзил — маҳалладан топсин.

## ОДАМЛАР ДАВЛАТ МЕҲРИНИ МАҲАЛЛАДАН ТОПИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев 25-26 март кунлари Наманган вилоятига таъриф доирасида Уйчи туманидаги “Қумтепа” маҳалласи марказида бўлиб, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди

### КУН НАФАСИ

Зулфия АКБАРОВА,  
Уйчи туманидаги “Қумтепа” маҳалласи раиси.

Президент қайсидир ҳудудга ташриф буюрса, одамларнинг яшаш шароитлари билан танишиш, маҳалла фаоллари билан жонли мулоқот қилиш учун, албатта, бирорта маҳаллага бориши анъанага айланган. Бу гал ҳам шундай бўлди. Шавкат Мирзиёев Уйчи туманидаги “Қумтепа” маҳалласи марказида бўлиб, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди.

Маҳалламиз туманининг энг намунали маҳаллаларидан. Бу ерда 5 200 нафарга яқин аҳоли яшайди. “Драйвер” йўналиши — 385 та хонадон метални қайта ишлайди, 207 та оила деҳқончилик ва 74 та хонадон хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Бу йил маҳалла қиёфаси яхшиланди. Йиғин идораси учун янги бино қурилди. Барча хонадонлар ичимлик сув таъминотига уланди. Ички йўллар, электр тармоқлари таъмирланди. “Яшил макон” дастури доирасида йўл бўйларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Маҳаллада тикувчилик цехи, гўзаллик салони, спорт майдончалари, тиббиёт пункти, кутубхона, озик-овқат дўконлари ҳамда дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Янги маҳалла биносида Тадбиркорларга кўмаклашиш маркази ташкил этилди. Бу ерда аҳоли ва тадбиркорлар 32 турдаги давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин. Президент бунини маъқуллаб, давлат идоралари билан боғлиқ масалаларни илжои борича маҳаллаларнинг ўзида ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

Давоми 2-саҳифада.

Фото: Носир ХАЙДАРОВ. (ЎЗА)



Йиғин идораси учун янги бино қурилди. Бинода Тадбиркорларга кўмаклашиш маркази ташкил этилиб, 32 турдаги давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.



“Маҳалла еттилиги” одамлар билан ҳар куни виждонан ишласа, изланса, меҳнат қилса, жамоа қутилган натижага эришади.

2-с.

## Фуқаролар йиғини тузилмасига ўзгартириш киритилди

“Еттилик”ка раис раҳбарлик қилса, қолган аъзолар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади

### ТАРТИБ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 мартда тегишли қарори билан 2021 йил 18 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ҳукумат қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2-с.

## Йиғинда 37 та давлат хизмати кўрсатилади

### ҚУЛАЙЛИК

Асосан ва қулай фойдаланиш имконини берувчи интерактив киосклар жорий қилди. Мазкур киоскларда ҳозирда аҳоли учун 37 та хизмат кўрсатилади.

Ушбу хизматлардан фойдаланувчилар Давлат хизматлари марказига мурожаат этувчиларнинг 43 фоизини ташкил этади.

### Фойдаланиладиган хизмат турлари:

- маълумотномалар бериш;
- ҳисобга қўйиш;
- ижтимоий ҳимоя;
- лицензия, рухсатнома ва хабардор қилиш;
- нотариал ҳаракатлар.

Хизматлардан фойдаланиш тартиби: аввало, киоскадан

соҳалар бўйича керакли тил танланади, сўнгра юзни сканер қилиш (face id) орқали фойдаланувчининг шахси тасдиқланиб, идентификациядан ўтказилади. Бунда паспорт серияси ва рақамини киритиш NFC ридер орқали амалга оширилади. Кейин хизмат тури танланиб, натижасини олиш ва чоп этиш мумкин.

Тўловни қулай тартибда амалга ошириш учун мобил иловалар орқали QR-кодни сканерлаш ёки банк карта рақамини киритиш кифоя. 24/7 режимда тез, осон ва қулай хизмат кўрсатилади.

Йил якунига қадар туман марказидан узоқда жойлашган маҳаллалар ва аҳоли гавжум бўлган жойларда 1 500 та интерактив киосклар жойлаштирилади ҳамда улар орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 70 тага етказилади.

15 турдаги хизматлар бўйича маҳалладаги масъул шахслар агент сифатида ўқитилади.





“Жамоат транспортини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



“Тошкент шаҳрида “ЯНГИ АВЛОД” махсус sanoat зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.



Ҳар бир қорхона, тадбиркор ва хонадон билан яқиндан ишлайдиган ТИЗИМ йўлга қўйилади.

КУН НАФАСИ

# Одамлар давлат меҳрини маҳалладан тошини керак

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

Кувонарлиси, маҳалламиз ишсизликдан ҳоли, ажралишлар қайд этилмаган. Қандай қилиб бундай натижага эришдик? Жавоби оддий: давлат раҳбари “маҳалла еттилиги” олдига қўйган вазифаларни виждонан бажарса, одамлар билан ҳар куни ишласа, изланса, меҳнат қилса, жамоа шундай натижага эришади. Президент билан мулоқотда “еттилик” фаолияти, ундан кутилаётган натижалар, бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Айтиш керакки, бунинг учун маҳаллаларда шароит яратилган. Хусусан, барча масъул ташкилот ва идораларнинг мутасаддилари энг куйи тизим — маҳаллага олиб тушилди. Мақсад — кимдир ишсизми, айнан ишини маҳалладан топсин, кимдир хунар ўрганмоқчиси, шу ерда ўргансин. Кимдир тадбиркорликка қизиқсади, кўмакни айнан маҳалладан олсин. Президентимиз ана шуну истаяпти. Яъни одамлар давлат меҳрини айнан шу манзил — маҳалладан топсин.

Буни тўғри англаган ҳолда, маҳалламизнинг ислохотлар марказида бўлишига интиляпти. Жумладан, яратилган имкониятлар туфайли йиғинимиз ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Бунга қандай эришдик? Маҳаллада “Кумтепа” ёшлар кичик sanoat зонаси ташкил этилди. Бу ердаги иш жойларига меҳнат миграцияда юрган, ишсиз, бандлиги таъминланмаган аҳоли қатламини жалб этиди. Бугун ҳудуд аҳли маҳалладан чикмаган ҳолда ишлаши, рўзгорига барака қиритиши мумкин. Тажрибамизни бошқа маҳаллаларда жорий этиш кераклиги айтилди.



Тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида сўз кетганда, 2023 йилда 7 та лойиҳага 4,3 миллиард сўм кредит, 22 нафар фуқарога 103 миллион сўм субсидия берилди. Ҳоким ёрдамчиси қиймати 400 миллион сўмлик 7 та лойиҳани ишга тушириб, 28 та янги иш ўрнини яратди. Давлат раҳбари маҳалланинг жойлашуви, имкониятларидан келиб чиқиб, бу натижани қарра-қарра яхшилаш мумкинлигини қайд этиди.

Президентимиз мулоқотда хотин-қизлар бандлиги, оилалар фаровонлигини таъминлаш борасидаги ташаббусларимиз билан қизикди. Бунда биринчи навбатда уларни касб-хунарга ўқитамиз. Сўнгра йўналиши бўйича бандлигини таъминлаймиз. Томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўямиз. Керак бўлса, аёлларга кредит ва судиялар ажратамиз.

## Банк вакиллари маҳаллага бириктирилгани айни мuddao бўлди. Энди улар ҳар бир ишсиз, камбағал оила билан индивидуал тарзда ишлайди.

Шавкат Мирзиёев Уйчи туманида “Сайхунобод тажрибаси” жорий этилишини айтди. Шу асосда 14 та тумандаги 788 та маҳаллага банк филиаллари бириктирилди. Улар “маҳалла еттилиги” билан бирга хонадонлардаги имкониятларни, оиланинг хоҳиш-истакларини ўрганмоқда. Биринчи босқичда кам даромадли 4 мингта хонадон танлаб олинди, оила аъзолари жон бошига ойлик даромадни 2 миллион сўмгача ошириш чоралари қўйилди. Кейинги босқичда яна 4 мингта ишсиз, техника, маслаҳат ва бошқа кўринишдаги амалий ёрдам берилди.

Умуман олганда, Президент ташрифи кўнгилларни тоғдек кўтарди. Маҳалла ободлиги, одамлар бандлигини таъминлаш, оилалар фаровонлигини ошириш борасидаги ташаббусларни ҳар бир маҳалла аҳли мамнуният билан кутиб олди. Эндиликда “маҳалла еттилиги” вакиллари Президент белгилаб берган вазифаларни сидқидилдан бажариб, одамлар розилигига эришишига интиляпти.



Соҳадаги камтарона меҳнатимиз юксак кадрлиб, давлат мукофотига лойиқ қўрилганидан жуда хурсандман. Албатта, келгусида янада самарали меҳнат фаолиятимиз билан билдирилган ишонччи оқлаймиз.

# “Никоҳ тузишдан олдин маҳалла тавсиянома берса...”

ЭТИРОФ

Учкун БЕГМАТОВ, Пахтачи туманидаги “Қарнабот” маҳалласи раиси, “Дўстлик” ордени соҳибчи.

Маҳалла тизими ходимлари кунги байрамида Президент фармонида кўра, “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Соҳадаги камтарона меҳнатимиз юксак кадрлиб, давлат мукофотига лойиқ қўрилганидан жуда хурсандман. Албатта, келгусида янада самарали меҳнат фаолиятимиз билан билдирилган ишонччи оқлаймиз.

Тизимда 32 йилдан буён турли вазифаларда фаолият юритиб келмоқдаман. Албатта, ўтган давр мобайнида соҳа ўзига хос ривожланиш босқичини босиб ўтди. Самардорликни ошириш мақсадида ўтказилган ислохотлар жараёни бугунги кунга келиб маҳалла институтини жамяти таянчи эканини исботлади. Шу боис айни кунларда маҳаллага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликлар самарасида вилоят, туман марказидан 35 километр олисда жойлашган бўлса-да, “Қарнабот” маҳалласи обод манзилга айланиб бораётди.

Ҳудуддаги ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, аҳоли тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланган. Ҳар бир хонадонга табиий газ тармоғи кириб борган, маҳалла интернет билан қамраб олинган. Шунингдек, йиғиндаги 45-умумтаълим мактаби қайта таъмирланди, 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти, Болалар мусика ва санъат мактаби бунёд этилди. Маҳалланинг 5 километр ички йўллари асфальтланган бўлса, Янгиҳаёт ва Баркамол кўчаларига тўлиқ тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Тизимдаги ислохотларни анчадан буён кута-

## Менда таклиф бор...

Ажралишлар — бугун жамятнинг долзарб муаммосига айланган. Деярли барча маҳаллаларда бу каби ҳолатлар учраб туради. Бизни ўйлантираётган жиҳати — эр-хотин ажралишга ариза бериб, суд уни кўриб чиқиб, ўйлаб кўришга маълум муддат берган, яъни деярли барча масала ҳал бўлган, маҳалладан тавсиянома сўралди. Вазият шу даражага келган, кўп ҳолларда оилани яраштириш имконсиз бўлиб қолади.

Истардикки, никоҳ тузишдан олдин маҳалладан қандайдир маълумотнома, тавсиянома олиш тизими яратилса. Бунда биз ҳар икки томон билан тўйдан олдин суҳбатлашардик, ёшларнинг фикри, дунёқарашини ўрганардик. Агар барчаси оила қуриш учун тайёр бўлса, тавсиянома берамиз. Аксинча бўлса, мисол учун, ёшлар катталар хоҳиши билан оила қуришга мажбур бўлаётган, ўзлари буни исташмаса, қудалар бир-биридан кўп нарса талаб қилса, уларга ўйлаб кўришга вақт бериб, тавсиянома беришни кечиктирардик. Бу орқали тўйдан кейин тезда ажралишлар, қудаларнинг ўзаро юзқўрмас бўлиб кетишларининг олди олинарди.

ётгандик. Тажрибамдан келиб чиқиб, таққослайдиган бўлсам, ўзгаришлар анча салмоқли. Мисол учун, авваллари маҳалланинг аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш, эҳтиёжмандларга кўмак кўрсатиш борасидаги ваколатлари чекланган эди. Ўзида маблағ бўлмагачаги учун идорага ёрдам сўраб келганларни курак қайтарган вақтлар бўлган. Энг ёмони, одамларда маҳаллага нисбатан ишонч сўнганди.


Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “маҳалла еттилиги” ташкил этилгани аҳоли муаммоларини шу ернинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда. Ижтимоий ёрдамлар “еттилик”нинг ўзари қарори асосида кўрсатиляпти, кредит ва субсидияларга тавсия бериш ваколатимиз бор. Мана шундай имкониятларнинг яратилиши тизимдаги ҳар бир

ходимнинг ишига янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Яқинда тизимга оид яна бир яхши янгиликдан бохабар бўлдик. Гап шундаки, эндиликда профилактика инспекторларига фуқароларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш ваколати берилиши кутиляпти. Бунинг аҳамияти нимада? Шу вақтгача рўйхатга олишни туман-шаҳар марказларида фаолият юритаётган Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари амалга оширарди. Ўз навбатида олис ва чекка ҳудудларда яшовчиларнинг марказга келиб-кейтишида ортиқча вақт ва маблағ сарфланаётганди. Энди одамларнинг ортиқча харажатлари қамаяди, ҳудуднинг ўзида профилактика инспектори фуқароларни рўйхатга қўяди.

МОҲИЯТ

## Раис давоматни қандай юритади?



Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

Бу жараёнда ҳар бир маҳаллада “Ходимларнинг ишга келишини ва ишдан кетишини ҳисобга олиш дафтари” юритилади. Унда ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими, ишга келиш ва ишдан кетиш санаси, вақти кўрсатилади. Дафтарда кўрсатилган маълумотларни ҳар бир “маҳалла еттилиги” аъзоси тўлдирди ва имзоси билан тасдиқлайди.

Иш кунги яқунлари бўйича ҳисобга олиш дафтари билан ҳар кун тўлдирилганини фуқаролар йиғини раиси назорат қилиб боради. Ходим узрли сабаб билан ишда бўлмаган тақдирда, сана устунига шартли белги қўйилади. Бунда йиғин раиси шартли белги қўйишдан аввал ходимнинг ишга келмаганлиги сабабини суриштиради.

Ҳар ой якунида маҳалла раиси ходимларнинг дафтардаги ишга келиши ва ишдан кетиш вақтини мониторинг қилади. Шу асосда давомат (табелъ) тўлдирилади. Табелъга ҳар бир “маҳалла еттилиги” аъзосининг ҳақиқатда ишлаган вақти меҳнат қонунчилигига мувофиқ киритилади. Табелъ тасдиқлини, кўчирма нусхасини раислар “маҳалла еттилиги” аъзоларининг меҳнатига иш ҳақи ҳисоблаш учун уларнинг кадрлар билан ишлаш бўйича ҳудудий мутахассисларига ҳар ойнинг охириги санасида юборади.


Қайд этиш керакки, “маҳалла еттилиги” аъзолари меҳнатига маҳалла раиси тўлдирган табелъ асосида ҳақ тўланади.

ТАРТИБ

## Фуқаролар йиғини тузилмасига ўзгартiriш киритилди

1. Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий Низомга киритилган ўзгартiriшга кўра, эндиликда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг намунавий тузилмаси қуйидагича тартибда бўлади:

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.



Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 мартда “Маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини ва ҳамкорлигини самарали таъминлаш ҳамда «Маҳалла еттилиги» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2. Фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик тузилмалари тўғрисидаги намунавий Низомга ҳар бир фуқаролар йиғини ҳузурида маҳалла раиси раҳбарлигида “маҳалла еттилиги” ташкил қилиш, унинг функциялари, вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш бўйича қўшимчалар киритилди.

Ҳуқуқат қарорига кўра, “маҳалла еттилиги” таркибига 7 нафар аъзо — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инс-

пектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори киритилади. “Маҳалла еттилиги”га фуқаролар йиғини раиси раҳбарлик қилади. Қолган аъзолар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

«Маҳалла еттилиги» ўз фаолияти юзасидан ҳар ойда маҳалла фуқаролар йиғини кенгашига, йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини мажлисига (фуқаролар вакиллари йиғилишига) ҳисобот беради.

Санжар ИСМАТОВ.



Янги қонун лойиҳасига кўра, кўп квартирали уйларнинг конструкцияларини бузиш ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА сабаб бўлади.



Хукумат қарорига кўра, ЙЎЛ ҲАРАКАТИ қоидалари бузилганлигини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган тизим такомиллаштирилади.



54 минг гектарнинг АГРОКИМЁВИЙ ХАРИТАСИ ишлаб чиқилиб, 18 минг гектари "GSP+" талабларига мослаштирилади.

ТОМОРҚАЧИЛИК

## Ток кўчатлари қандай тайёрланади?

Умиджон БАХРОНОВ, "Агроолам" платформаси асосчиси.

Хонадонларда томорқадан самарали фойдаланишнинг турли йўллари бор. Мисол учун ток қаламчалари парвариши яхши даромад манбаи ҳисобланади. Куйида ана шу йўналишдаги маслаҳатлар билан ўртоқлашамиз.

**Қаламчаларнинг узунлиги одатда 50-60 см., йўғонлиги эса кучли ўсадиган хўраки ва кишмишбон навлари (Хусайин, Тойифи, Каттакўрғон, Қора кишмиш, Оқ кишмиш) да 6-13 мм., ўртача ва кучсиз ўсувчи винобон навлари (Саперавий, Мускат, Венгер мускати) да 510 мм. бўлиши лозим. Бўғим оғирлиги 5-15 см.ни ташкил этади.**

Қаламчалар бир қанча навлар экилган тоқзорларда ток кесиш вақти — октябрь-ноябрь ойи ўрталарида тайёрланади. Бунинг учун сув билан таъминланган, унумдор узум майдонлари танланади. Тоқларни кўмилмайдиган жанубий вилоятларда баҳор фаслида, куртақлар уйғонмасдан олдин ҳам тайёрлаш мумкин.

Қаламчаларнинг узунлиги одатда 50-60 см., йўғонлиги эса кучли ўсадиган хўраки ва кишмишбон

навлари (Хусайин, Тойифи, Каттакўрғон, Қора кишмиш, Оқ кишмиш) да 6-13 мм., ўртача ва кучсиз ўсувчи винобон навлари (Саперавий, Мускат, Венгер мускати) да 510 мм. бўлиши лозим. Бўғим оғирлиги 5-15 см.ни ташкил этади.

Қаламча тайёрлашдан олдин новданинг барглари ва учки қисми олиб ташланади. Қаламчалар новданинг ўрта қисмидан 2-3 куртакли қилиб тайёрланади. Барглари яرمىга қисқартирилади.

Қаламчалар 100 ёки 200 тадан қилиниб, икки томонидан боғланади. Ҳар бир боғламга оддий қора қалам билан навнинг номи ва қаламчаларнинг сони ёзилган ёрлик боғлаб қўйилади. Қаламчалар баҳорда экилгунгача махсус хандақларда сақланади. Хандақларга жойлаштиришдан олдин улар замбуруф касалликларига чалинмаслиги учун 5 соат давомида 0,5 фоизли хинозол эритмасида сақланади.

**Қаламча тайёрлашдан олдин новданинг барглари ва учки қисми олиб ташланади. Қаламчалар новданинг ўрта қисмидан 2-3 куртакли қилиб тайёрланади. Барглари ярмига қисқартирилади.**

Хандақлар чуқурлиги 65-70 см., эни 120-150 см. қилиб қазилади. Бўйи қаламчалар сонига қараб белгиланади. Улар узоқ сақланган сари таркибдаги озиқ моддаларнинг камайиб бориши ҳисобига баҳорда суғуртаниши, илдиш чикариш қобилияти пасайиб кетиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун хандақдаги намлик мўътадил, ҳарорат эса 4-6 градусдан ошмаслиги лозим.

Қаламчаларни экишга тайёрлашдан мақсад уларда илдиш отиш жараёнини тезлаштириш ҳисобланади. Бунда килчевкалар, ўстирувчи моддалардан фойдаланиш, қаламчалар бўғим орасидаги пўстлоқни тилиш, пастки куртақларни олиб ташлаш каби усуллардан фойдаланиш маъқул.

ЭЪТИРОФ



## “Етакчи тадбиркорлар” тажриба ўргатади

Гуллола МИРЗАЕВА, “Уймоғу” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳаллада 2022 йилдан буён ишлаб келаман. Худудимиздаги хонадонлар сони 1 137 та. Аҳоли сони 4 008 нафар. Ўсиш нуқтаи — кўчатчилик, чорвачилик, хизмат кўрсатиш ва хунармандчилик.

Анъанага кўра, ўзимга бириктирилган маҳаллани тўлиқ ўрганиб, барча хонадонларни уйма-уй юриш орқали хатловдан ўтказдим. Шу орқали ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ташхис қўйиб олдим. Мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишчиларни, биринчи навбатда “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га кирган ёшлар ва хотин-кизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилишга эътибор бердим. Шу тарафдан ишсиз фуқаролар аниқланиб, бандлиги таъминланди. Хозиргача 500 дан ортиқ фуқаро давлат ва нодавлат муассасалардаги бўш иш ўринларига жойлаштирилди.

Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг хунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятини йўлга қўйиши учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредит олишига кўмаклашдим. Масалан, “Онлайн маҳалла” платформасига тадбиркорлик қилиш истагида 200 нафар фуқародан аризалар келиб тушган бўлса, шундан 165 нафар фуқарога имтиёзли кредит олиш учун тавсиянома берилди. Жами 4 млрд. сўм кредит ажратилди. Натижада 2022-2023 йиллар мобайнида 25 тадан ортиқ тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди.

Маҳалланинг иқтисодлашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга



қўйиш истагини билдирган “етакчи тадбиркор”ларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун бириктирдим. Маҳалладаги 45 нафар ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-хунарга ўқитиш учун тавсиянома бердим. Бундан ташқари, 280 нафардан ортиқ фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Маҳалладаги 30 нафар хотин-киз “Анварова Мубина” ишлаб чиқариш кооперациясига улушдорлик асосида аъзо қилинди. 14 та бўш ер аниқланиб, аукцион орқали сотишга тавсия этилди.

Хозирда 3 нафар фуқаро ширинликлар тайёрлаш ва сотиш йўналишида тадбиркорлик субъектини ташкил этиш учун бино қурилишини бошлади. 45 нафар фуқарога субсидия олиши учун тавсиянома берилиб, хозирда улар тадбиркорлик фаолиятини олиб борапти. Бундан ташқари, “устоз-шогирд”

анъанаси асосида хунарманд сифатида рўйхатдан ўтишлари учун тавсиянома берилди.

Шу билан бирга “маҳалла еттичилиги” билан ҳам-жихатликда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бораётимиз. Хомийлар ва хашар йўли билан 1,5 км. йўлларимиз бетон ва асфальтланди. Битта чиқиндихона ташкил этилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2,5 минг дондан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди. Шунингдек, 2 дон болалар майдончаси, 45 та тунги ёритиш чироқлари, 10 та кузатув камераси ўрнатилди.

22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунини мен ўзгача ҳаяжон билан қутиб олдим. Президентимиз фармони билан II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотландим. Бу зиммамга улкан масъулият ва ишонч юклаган баробарида янада яхши ишлаш учун рағбат уйғотди.

ТАЖРИБА

## “Томорқалар кўчат билан кўкаряпти?”

Илҳом ОЧИЛОВ, Қорақўл туманидаги “Қорақўл” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламизда 830 та хонадон бор. 4 060 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Драйвер” — дехқончилик ва чорвачилик. Шу боис аҳоли азалдан дехқончилик орқидан катта даромад топиш ҳадисини олган. Айниқса, томорқадан самарали фойдаланиш орқали бандликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

2023 йилги хатлов асосида оилаларни тоифаларга бўлиб, шу асосида қандай ёрдам зарурлиги аниқлаб олинди. Айниқса, ишсизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга ҳаракат қиляемиз. Мисол учун, кам даромадли 74 та оилага аукцион орқали 17 гектар ер ажратилди. Натижада ушбу оила аъзолари ўзини ўзи банд қилди. Хозирда улар ердан икки марта ҳосил

**2 нафар фуқарога нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олинган, 4 нафарига тикув машинаси хариди учун, 8 нафарига қорамол ҳамда 18 нафарига иссиқхона йўналишида кредит ажратилди.**

олмоқда. Биринчи мавсумда сабзи экиб, 15 сотихдан 20 млн. сўм, иккинчи навбатда помидор парваришидан 25 млн. сўм фойда топмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2 661 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилган. Шундан 12 таси ер ҳайдаш учун мотокультиватор, 25 таси дехқончилик маҳсулотларини бозорга олиб чиқиш учун уч йилда рақли мототранспорт воситаси


харид қилиш учун йўналтирилган. Бундан ташқари, 2 нафар фуқарога нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олишга, 4 нафарига тикув машинаси хариди учун, 8 нафарига қорамол ҳамда 18 нафарига иссиқхона йўналишида кредит ажратилди. Айни кунда 136 та хонадонда иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, асосан помидор, бўлғор қалампери, бодринг етиштирилади.

Раҳим Зокировлар хонадонидagi иссиқхонада помидор, бодринг, қарам, қалампир, бақлажон ҳамда қулупнай кўчатлари етиштирилади. Шу билан бирга оила кўчатчиликдан ташқари помидор, бодринг ҳамда лимон етиштириб, эл дастурхонига тортиқ қилмоқда.

Ким учундир арзимасдек туюладиган кўчатчилик бугун бу оиланинг даромад манбаига айланган. 4 сотихли иссиқхонада асосан ҳар хил турдаги кўчатлар савдоси орқасидан йилга 50-60 млн. сўм даромад қилинади.



15 сотихдан 20 млн. сўм, иккинчи навбатда помидор парваришидан 25 млн. сўм фойда топмоқда.



Ахборот технологияларига қизиқувчи ЭНГ ФАОЛ ҚИЗЛАР БААга таълим саёҳатига юборилади.



2024 йил 1 июлдан бошлаб катта йўл бўйида жойлашган МАКТАБЛАР ОЛДИДА фото ва видео қайд этиш камералари ўрнатилади.



Бинолар деворларида ишланган МОЗАИКА КОМПОЗИЦИЯЛАРИ маданий мерос рўйхатига киритилади.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

“Ёшлар баланси”нинг қандай афзаллиги бор?

Лочинбек МИРЗОДИЛОВ,  
Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими.

Хозирда ёшлар билан ишлашнинг маҳалла-туман-вилоят-республика шаклидаги вертикал тизими яратилган. Ушбу тизим асосида ёшлар етакчилари уйма-уй юриб, “Ёшлар баланси”ни тўлиқ шакллантириш, ёшларнинг иқтидорини, уларнинг қизиқишларини ўрганиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни “Ёшлар дафтари”га киритиш ҳамда маҳаллаларда уюлмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Ёшлар етакчиларининг 14-30 ёш оралиғидаги ёшларни “хонадонбай” хатловдан ўтказиши натижасида бугунги кунда барча маҳаллада “Ёшлар баланси” шакллантирилган.

Аввалги йилларда хатловлар ёшларнинг 5 та тоифаси (бандлик, таълим, оилавий, ижтимоий ва саломатлик ҳолатлари) бўйича ўтказилган бўлса, жорий йилда ўтказилган “хонадонбай” хатловларда ёшларнинг иқтидори хусусан, хориждаги иқтидорли ёшлар, “IT” ва инновацион соҳалардаги, спорт, санъат, маданият, китобхонлик йўналишларидаги қобилияти, шунингдек, ёшларнинг қизиқишлари бўйича хорижий тил, ҳарбий спорт ўйинлари ҳамда касбий қизиқишлари ўрганилди.

Ҳўш, “Ёшлар баланси” нима ва у қандай афзалликка эга, деган саволга жавоб бериб ўтсак. Бу тизим ёшларнинг таълим, бандлик, оилавий, ижтимоий, саломатлик ҳолати, иқтидори ва қизиқишлари бўйича маълумотларни жамлашдан ҳосил бўлади. Шу асосида хатлов жараёнининг шаффоқлигини сақлаб қолиш, самарадорликни ошириш учун “Yoshlarbalansi.uz” электрон платформаси яратилиб, тўлиқ рақамлаштирилди. Содда қилиб тушунтирсак, бу бир ойна. Шу ойна орқали ёшлар нима билан банд, улар қизиқиш билдираётган соҳа ва йўналишлар ҳақида билиб олиш мумкин.

Балансни юришти тўлиқ рақамлаштирилган, ишга туширилган электрон платформа давлат органлари ахборот тизимларининг 19 турдаги маълумотлар базаси билан интеграция қилинди. Натижада электрон платформага киритилган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли электрон манбаалардаги маълумотлар асосида текшириб, янгиллаб бориш имконияти яратилди. “Ёшлар баланси”ни шакллантириш давомида ёшлар етакчилари аниқлаган ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлардан 24 минг нафарни “Ёшлар дафтари”га киритилиб, 9 минг 902 нафар ёшга зарурий ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилган.

Хусусан, 3 976 нафар талабага контракт тўловлари, 148 нафар ёшга сафарбарлик чакриуви резерви бадал пуллари тўлаб берилди, 1 082 нафар ёш касб-хунарга ўқитилиб, субсидия ажратиш орқали меҳнат қуроллари билан таъминланди.

24 минг нафарни “Ёшлар дафтари”га киритилиб, 9 минг 902 нафар ёшга зарурий ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилган.



ЭЪТИРОФ



Суратда тақдирлаш маросимидан лавҳа акс этган.

“Изланиш, интилиш заррача сўнгани йўқ”

2024 йилда яна бир қатор хайрли ишларни амалга ошириш режаланган. Жумладан, “Ёшлар дафтари”даги 10 нафар ёшни келажак касбларига ўқитиш белгиланган. 10 нафарини касб-хунар марказида ўқитиш, 5 нафар ёшга субсидия ажратиш, 12 нафар ёшни шартнома пулини тўлаб бериш кўзланган. Бундан ташқари, маҳалла идорасида кутубхона ташкил этиш орқали ёшларнинг китобхонликка қизиқишини оширмоқчимиз.

22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунинда бир гуруҳ ҳамкасбларим қаторида мен ҳам “Шухрат” медални билан тақдирландим. Бу мукофотдан қанчалар қувонган бўлсам, шу қадар масъулият юкни хис қилдим. Албатта, билдирилган юксак ишонччи оқлашга астойдил интилам.

Нафосат АЛЛАБЕРГАНОВА,  
Тупроққалъа туманидаги “Навбоҳор” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Хар йили ёшлар билан самарали ишлаш учун уйма-уй юриб, хатлов ўтказаман. 2023 йилги хатловда 1 762 нафар йигит-қиз рўйхатга олинди, ёшлар баланси шакллантирилди. Унда 14-30 ёшдагилар 936 нафарни ташкил этиб, 36 нафари норасмий банд бўлса, 222 нафари давлат ҳамда хусусий секторда меҳнат қилаётгани аниқланди. Хориждаги мигрантлар 72 нафар. Ўзини ўзи банд қилганлар 105 нафар.

Хатлов асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 124 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари” электрон платформасига киритилган. Шу вақтгача 108 нафарининг муаммоси ҳал қилиниб, рўйхатдан чиқарилди. Хусусан, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва бандлиги таъминланмаган оилаларнинг 8 нафар вақилига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун тўлов пули, 2 нафарининг сафарбарлик чакриуви резерви харажатлари, 18 нафарини шартнома маблағи қопланди. 24 нафар ёш иш билан таъминланди, 34 нафарига тадбиркорлик учун кўмак кўрсатилди. Жумладан, 5 нафарига субсидия асосида асбоб-ускуна олиб берилган бўлса, 34 нафар ёшга имтиёзли кредит ажратилди. 7 нафарининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратилишида амалий ёрдам сураган 5 нафар ёшга жами қиймати 19

миллион 700 сўм бўлган 5 та тикув машинаси ва 15 нафар ёшларга жами қиймати 56 миллион 320 минг сўм миқдордаги 35 та асбоб-ускуна ва спорт жиҳози берилди.

Айниқса, “Ёшлар дафтари”даги ишсиз ёшларга кредит ажратилиши натижасида улар бандлиги таъминланиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Мисол учун Паризода Қодирова ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Унга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Натижада қисқа муддатда тикувчилик сир-асропларини ўрганиб, ўзини ўзи банд қилди. Одамбой Аллабергановга кўрсатилган ёрдам сабабли ўз тадбиркорлигини бошлади. Бугунги кунда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спорт турларини омдалаштириш доимий эътиборимизда. “Беш ташаббус олимпиадаси”да 762 нафардан ортиқ ёш фаол иштирок этди. “Заковат” интеллектуал ўйинида 100 нафар, “Ёш китобхон”да 360 нафар, спорт мусобақаларида 302 нафардан ортиқ ёш қатнашди.

2024 йилда яна бир қатор хайрли ишларни амалга ошириш режаланган. Жумладан, “Ёшлар дафтари”даги 10 нафар ёшни келажак касбларига ўқитиш белгиланган. 10 нафарини касб-хунар марказида ўқитиш, 5 нафар ёшга субсидия ажратиш, 12 нафар ёшни шартнома пулини тўлаб бериш кўзланган. Бундан ташқари, маҳалла идорасида кутубхона ташкил этиш орқали ёшларнинг китобхонликка қизиқишини оширмоқчимиз.

22 март — Маҳалла тизими ходимлари кунинда бир гуруҳ ҳамкасбларим қаторида “Шухрат” медални билан тақдирландим. Бу мукофотдан қанчалар қувонган бўлсам, шу қадар масъулият юкни хис қилдим. Албатта, билдирилган юксак ишонччи оқлашга астойдил интилам.



БИЛАСИЗМИ?

ЁШЛАРНИНГ ТУНГИ КАФЕ, БАРЛАРДА ИШЛАШИ ТАҚИҚЛАНГАНМИ?

Нодир АБДУҚОДИРОВ,  
Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари.

Меҳнат кодексига ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида белгиланган. Жумладан, кодекснинг 412-моддасига мувофиқ меҳнат шариоити зарарли ва хавфли бўлган ишларда, ер ости ишларида, шунингдек бажарилиши ўн саккиз ёшгача бўлганлар ҳаётига, соғлиғига, хавфсизлигига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда (тунги кафе ва клублар, спиртли ичимликларни, тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни, токсик препаратларни ишлаб чиқариш, ташиш ҳамда сотиш ва бошқалар) уларнинг меҳнатини қўллаш тақиқланади.



O'N SAKKIZ YOSHGACHA BO'LGAN SHAXSLARNING TUNGI KAFE VA KLUBLARDA ISHLASHI TAQIQLANADI

Маблаг чет тилларни ўрганишга сарфланади

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Президент фармонига кўра, “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ёшларни чет тилларига ўқитишга йўналтирилиши белгиланган.

2024 йил 1 мартдан “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ёшларни чет тиллари ва касб-хунарга ўқитиш мақсадларида йўналтирила бошланди. Бундан ташқари, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича “Устоз” махсус платформаси ишга туширилди ва дастлабки босқичда мазкур платформа орқали 250 минг нафар ёш қамраб олиниши кўзланмоқда.

Қолаверса, ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун “Қизлар академияси” платформаси ишга туширилди ва орқали ёш хотин-қизлар учун турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этилади.

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг маҳалла босқичларини давом этмоқда

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида “Стрэт воркут” мусобақаларининг маҳалла босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Маълумот учун, Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор, 2020 йилда “Стрэт воркут” мусобақаси республикаси миқёсида ўтказилган эди.



Намангани Бухоро ва Самарқанд билан боғловчи **ТЕМИР ЙЎЛ РЕЙСЛАРИ** йўлга қўйилади.



Янги қонун лойиҳасига кўра, Умра зиёратини ташкил этиш учун **ЛИЦЕНЗИЯ** жорий қилинади.



Статистика агентлиги маълумотига кўра, ҳозирда **Ўзбекистонда уйлар сони қарийб 7,5 МИЛЛИОНТАНИ** ташкил этади.

ЯНГИЛИК

## Судга шикоят қилиш имконияти кенгайтирилди

Умид НАСРИДИНОВ,

Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Президент 2024 йил 20 февраль куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Солиқ кодексининг 159- ва 166- ва 231-моддаларига солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан тadbirkorларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш имкониятларини кенгайтиришни назарда tutuvchi ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, Солиқ кодексининг 159- ва 166-моддаларига киритилган ўзгаришларга кўра, эндиликда солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинадиган қарорларда **судга шикоят қилиш ҳуқуқи** тушунтирилади. Аввал фақат юқори турувчи солиқ органига шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Солиқ кодексининг 231-моддаси биринчи қисмига киритилган ўзгаришга кўра, солиқ органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш қонунчилида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунгача фақат солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилган.

Шунингдек, қонун билан Солиқ кодексининг 231-моддаси тўртинчи қисмидаги солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан суд тартибда шикоят қилиш **фақат юқори турувчи солиқ органига шикоят қилинган** кейингина мумкинлиги ҳақидаги **норма чиқариб ташланди**.


Бунинг натижасида, **солиқ тўловчига** солиқ органининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан норози бўлган тақдирда **юқори турувчи солиқ органига ёки тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилди**.

Шунингдек, юқоридаги қонун билан Солиқ кодексининг 231-235-моддаларига ўзгаришлар аввалдаги мавжуд моддаларни аниқлаштириш мақсадида киритилди.

Солиқ кодексининг 159- ва 166-моддаларига киритилган ўзгаришларга кўра, эндиликда солиқ аудити ва сайёр солиқ текшируви ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинадиган қарорларда **судга шикоят қилиш ҳуқуқи** тушунтирилади.



231-модда биринчи қисмига киритилган ўзгаришга кўра, солиқ органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят қилиш қонунчилида белгиланган тартибда амалга оширилади.



СОЛИҚЧИ – ҚўМАҚЧИ

“Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ҳудудларда мол-мулк ва ер солиқларини тўловчи жисмоний шахслар ҳамда тadbirkorларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ўрганиб, зарур ҳолда уларга керакли маслаҳатлар бераман.

## Ҳар бир ходим кунлик натижалар билан ишляпти



Ботир ЭРГАШЕВ,

Когон шаҳридаги “Зирабод” ва “Бухорои Шариф” ҳамда Махтумқули номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

Когон шаҳридаги 10 та маҳаллага 22 нафар солиқ инспектори бириктирилган. Улар “Солиқчи – тadbirkorга қўмакчи” тамойили асосида иш юритган ҳолда бюджет даромадларига белгиланган прогноз кўрсаткичларини ортиси билан бажаришга эришяпти. Таъбир жоиз бўлса, бунда ҳар бир солиқ инспекторининг муносиб ҳиссаси бор.

Менга Когон шаҳридаги “Зирабод” ва “Бухорои Шариф” ҳамда Махтумқули номидаги маҳаллалар бириктирилган. Мазкур маҳаллаларда юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган **78 та корхона ҳамда 80 га яқин яқка тартибдаги тadbirkor турли йўналишларда фаолият юритмоқда**. Шунингдек, ҳудудда 2 143 нафар мол-мулк ҳамда 1 646 нафар ер солиғи тўловчиси мавжуд. **646 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, ўз уйда тadbirkorлик билан машғул**.

Асосий вазифам, тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний фаолият олиб боришига қўмаклашиш орқали солиқ базасини кенгайтиришга қаратилган. “Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ҳудудларда мол-мулк ва ер солиқларини тўловчи жисмоний шахслар ҳамда тadbirkorларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ўрганиб, зарур ҳолда уларга керакли маслаҳатлар бераман. Солиқларнинг ўз вақтида тўланишини, тadbirkorликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш чораларини

кўряпман. Хусусан, тadbirkorларнинг муаммоларини сектор раҳбари ва “маҳалла еттилиги” кўмагида ҳал этяпмиз.

Янги тизимнинг ишга тушиши натижасида февраль ойида маҳаллаларда жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғининг бир ойлик режаси 46,5 млн. сўмга белгиланган бўлиб, 53 млн. сўм ундирилиши таъминланди. Яъни, режа 115 фоизга ортиси билан бажарилди.

Жисмоний шахсларнинг ер солигидан бир ойда 36,9 млн. сўм туширилиб, режа 107 фоизга удаланди. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи (декларация) солиқ туридан февраль ойида режадан орттирилиб, 10,2 млн. сўмга, яъни 112 фоизга бажарилиши таъминланди.

Қувонарлиси, фаолиятим барча йўналишлар бўйича махсус “КР” дастури орқали 97,6 балл билан баҳоланиб, лавозим маъносида **100 фоиз миқдорда мукофот берилди**.

Бу нима дегани, бугун солиқ тизими тубдан янгича тизимда ишляпти, шунинг учун зиммамизга аниқ ва масъулиятли вазифалар қўйилляпти. Фаолиятимизни инсон омиллиси баҳолаб бораётган “Маҳаллаларда солиқ органлари фаолияти” ахборот тизими асосида ҳар бир солиқ хизмати ходими кунлик натижалар билан ишляпти. Натижада ходимлар фаолияти юқори самарадорлигига қараб рағбатлантирилмоқда ёки аксинча, рейтингини паст ходимларга белгиланган тартибда тегишли интизомий чоралар қўрилмоқда.

## РЕЖА 115%

Ортиги билан бажарилди. “КР” дастури орқали 97,6 балл билан баҳоланиб, лавозим маъносида 100 фоиз миқдорда мукофот берилди.

СИЗ УЧУН МУҲИМ

## АОС ҳисоботи қандай топирилади?

Пўлат ДАВЛЕТОВ,  
Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Президентнинг 2024 йил 5 мартдаги “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томоғра ва деҳқон хўжалиқларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тadbirkorлар тўғрисида”ги қарорига кўра, хонадонларда **биоғумус тайёрлаш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шўғулланиши мумкин** бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати-га киритилди.

Қувонарлиси, бугунги кунда турли соҳа йўналишларида ўзини ўзи банд қилган шахслар даромади ортиб борапти. Улар орасида 100 миллион сўмдан ортгани ҳам бор.

Ҳўш, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромади 100 млн. сўмдан ошса, улар айланмадан олиннадиган солиқ (АОС) ҳисоботини қандай топирилади?

Аввало, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг 100 миллион сўмгача бўлган даромадлари солиққа тортилмайди. Бирок солиқ даврида товарларни реализация қилишдан олинган даромади 100 миллион сўмдан ошган, лекин 1 млрд. сўмгача бўлганда айланмадан олиннадиган солиқ (АОС) тўловчи яқка тартибдаги тadbirkor сифатида тан олинади. Бунда улар солиқ органларига солиқ ҳисоботини тақдим этиши ҳамда солиқларни тўлаши шарт.

Агар ўзини ўзи банд қилган шахслар электрон ҳисобварақ-фактура (ЭҲФ), онлайн-НКТ ҳамда маркетплейс орқали даромад олган бўлса, ушбу даромадларнинг 100 млн. сўмдан ошган қисми АОС ҳисоботида автоматик шаклланиши учун қуйидагиларни амалга ошириши лозим.

Биринчи навбатда, [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) сайтидаги “Яқка тартибдаги тadbirkor ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун” шахсий кабинетига электрон рақамли имзо орқали кирилади. У ердан “Автоматлаштирилган айланмадан олиннадиган солиқ ҳисоботида ўзгариш киритиш” сўнгра “Мурожаат юбориш” тугмаси босилади. Очилган ойнадан солиқ даври ҳамда ҳисобот даври танланади. Сатр номи қаторидан “Қаъий белгиланган миқдордаги даромад солиғи тўловчиси бўлган даврда олган даромади” белгиланади, шундан сўнг сатр коди ҳамда сумма қаторлари автоматик шаклланади.

Солиқ тури қаторидан “Айланмадан олиннадиган солиқ” танланади. У ерга асослантурувчи ҳужжат сифатида ўзини ўзи банд қилганлик тўғрисидаги гувоҳнома юкланади ҳамда юбориш тугмаси босилади.

Шундан сўнг ҳисобот топириши жараёнига ўтилади. Бунинг учун шахсий кабинетдан “Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг ҳисоботлари” ойнаси, ундан сўнг қуйидагилар кетма-кетликда танланади:

- электрон шакллар;
- айланмадан олиннадиган солиқ;
- айланмадан олиннадиган солиқ ҳисоб-китоби.

Очилган ойнадан солиқ тури, ҳисобот тури, йил, давр танлангач, ҳисобот шаклида солиқ суммаси автоматик шаклланади, сўнгра жуънатиш тугмаси босилади.

Банк ҳисобрақами мавжуд солиқ тўловчилар шахсий кабинетининг “Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг солиқларини тўлаш” бўлими орқали солиқ тўловларини амалга ошириши мумкин.

ХАБАРДОРМИСИЗ?

## Сизга солиқ тўлаш бўйича “SMS” бордими?

Даврон ҲОШИМОВ,

Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида уларнинг уяли телефонларига тўлаши лозим бўлган ер ва мол-мулк солиқлари тўғрисидаги маълумотлар “SMS” кўринишида юборилмоқда.

“SMS” остида “Батафсил” ҳамда “Тўлаш” ёзуви бор. “Батафсил” ёзувидаги ҳавола орқали тўлов хабарномаси юкляб олинади. Хабарномадан объект манзили, майдони, кадастр қиймати, солиқ ставкаси, суммаси, солиқ органи масъул ходими алоқа рақами ва бошқа маълумотлар ўрин олган.

“Тўлаш” ёзувидаги ҳавола босилгандан “Солиқ” мобил иловаси жойлашган платформа очилади. Агар илова фойдаланувчи қурилмасига ўрнатилган бўлса, илованинг “Солиқларни тўлаш” ойнасидан тўловни тез ва осон амалга ошириши мумкин. Ўрнатилмаган бўлса, платформа орқали юкляб олинади.

Тўлов хабарномасида кўрсатилган кўчмас мулк майдони, кадастр қиймати, ер участкаси эгаллаган майдон тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқатда мавжуд объект ва ер майдонидан фарқ қилса ёки сизга тегишли бўлмаса, кадастр идорала-

рига мурожаат қилиш лозим. Шунингдек, сизда ер ва мол-мулк солиқларидан имтиёз олиш учун ҳужжат мавжуд бўлиб солиқ имтиёзи қўлланилмаган бўлса, [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) сайти орқали, шунингдек, кўчмас мулк жойлашган ердаги солиқ органига солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш орқали имтиёздан фойдаланишингиз мумкин.

**Эътибор беринг:** “SMS” Soliq\_uz манзилдан (Perfectum абонентларига 6079 рақамидан) юборилмоқда. Бошқа манзилдан юборилган “SMS”лар солиқ органига тегишли эмас.



JISMONIY SHAXSLARDAN OLINADIGAN MOL-MULK VA YER SOLIG'I

БИЛАСИЗМИ?

## Мол-мулк солиғи қайси нишоотлар учун тўланади?

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғини 15 апрель ва 15 октябрга қадар тенг улушларда тўлаши лозим. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган:

- уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлар;
- даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлар;
- қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектлар;
- кўп квартиралы уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари;
- бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотларга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғини тўлайди.

ҚУЛАЙЛИК

## Ахборот тизими ишга туширилди

Солиқ қўмитаси.

Солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ҳамда бошқа манфаатдор шахслар ўртасида конструктив онлайн мулоқотни ташкил этиш мақсадида “Солиқ органлари билан қайта алоқа” ахборот тизими ишга туширилди.

Аввало, хабар йўллаш учун Солиқ қўмитасининг [soliq.uz](http://soliq.uz) сайтига кирилади. У ердан “Бизга хабар юборинг” хизмати танланади.

Унутманг, хабар юборувчи “Солиқ” мобил иловаси фойдаланувчиси бўлиши лозим.

Тизим фойдаланувчининг рўйхатдан ўтиши учун автоматик равишда интерактив платформага йўналтиради. Платформага ўтгандан сўнг, “хабар юбориш” тугмаси босилади. Очилган ойнага савол матни кирилади ва зарур ҳолларда ҳажми 5 мб.дан катта бўлмаган файлни илова қилиш мумкин. Жараёни якунлаш учун “кейинги қадам” тугмаси босилади.

Саволлар ва хабарларни 24/7 режимда юбориш мумкин. Жавоблар иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача берилади.

“Тadbirkor ва солиқчи” телеграм гуруҳи фаолияти “Қайта алоқа” АТ давом этирилади.



“Uzum” мамлакат тарихида илк бор 100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР жалб қилган компанияга айланди.



Канада ўзбекистонликлар учун 5000 та иш ўрни таклиф қилди: ИШ ҲАҚИ – соатига 12,5 доллардан 30 долларгача.



Баҳорги илиқ кунлар бошлангани муносабати билан 26 мартдан Тошкент шаҳрида ИСИТИШ МАВСУМИ тугалланди.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

## Қарздорлик ҳақидаги ёлғон хабарларга ишонманг!

Фаррух ТОШПЎЛАТОВ,

МИБ ахборот хизмати раҳбари.

Интернет хавфсизлиги бугунги рақамли дунёда муҳокама қилинадиган муҳим мавзу. Мажбурий ижро бюросининг аниқлашчи, киберхужумлар ижро ҳужжатларига асосан, қарздор бўлган шахсларга нисбатан амалга оширилмоқда. Бунда фуқаронинг “Telegram” мессенжеридagi шахсий хабарларига шахсий телефон рақамидан қарздорлик мавжудлиги ҳамда илова қилинган “MIBuz” номли дастурни юклаб олиш шартлиги, акс ҳолда қарздорлик яна ошиб кетиши ҳақида хабар кўшилади.

Шуни маълум қиламизки, қарздорлик тўғрисида хабарлар қарздорларга фақатгина “SMS” хабари орқали ҳамда “MIB” кўринишидаги аккаунтдан юборилади. Бундан ташқари, Бюронинг расмий дастурий воситалари “Playmarket” ва “AppStore” расмий онлайн иловалар дўконларидан ёки Бюронинг расмий веб-сайти [www.mib.uz](http://www.mib.uz) жойлаштирилган ҳавола орқали юклаб олиш мумкин. Шу билан бирга, ҳар бир қарздорликни Бюронинг расмий веб-сайти орқали текшириш имкониятлари мавжуд.

**Огоҳ бўлинг!** Шахсий рақамлар, ижтимоий тармоқлар орқали келган қарздорликни бартараф қилиш ҳақида ҳар қандай хабарлар фейк ҳисобланади ва бу хабарларни Мажбурий ижро бюроси юбормайди.

**Хурматли фуқаролар!** Шахсий маълумотларингизни сақлаш, киберхужумларни олдини олиш мақсадида ўзингизга тааллуқли бўлган маълумотларни расмий бўлмаган ва шубҳа уйғотувчи платформаларга киритмаслигингизни сўраймиз.

**Эслаб ўтамиз,** қарздорлик ҳақидаги ҳар қандай маълумотларни Мажбурий ижро бюросининг “MIB.UZ” расмий сайты ва Бюрода мурожаатларни электрон қабул қилиш марказининг “1107” қисқа рақами орқали олишингиз мумкин.

Киберфирибгарликка қарши курашининг энг самарали йўли бу, фуқароларимизнинг ҳуқуқий ёки молиявий саводхонлиги ҳисобланади. Ҳозирда бу каби фирибгарлар ишонувчан ва содда фуқароларимизни чалғитиб, ўз тузоғига туширишга ҳаракат қилмоқда.



Эслаб ўтамиз, қарздорлик ҳақидаги ҳар қандай маълумотларни Мажбурий ижро бюросининг “MIB.UZ” расмий сайты ва Бюрода мурожаатларни электрон қабул қилиш марказининг “1107” қисқа рақами орқали олишингиз мумкин.



Мақсадимиз, йиғин осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

## Жиноят бўлмаса-да, кузатув тўхтамайди

Деҳқонобод туманидаги “Бешбулок” маҳалласи профилактика катта инспектори Хусан Абраҳматов Президентнинг 2024 йил 20 мартдаги “Маҳалла тизими ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни муқофотлаш тўғрисида”ги фармони билан “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

Хусан АБРАХМАТОВ,

Деҳқонобод туманидаги “Бешбулок” маҳалласи профилактика катта инспектори.



Маҳаллада жорий йил ҳисобида бирорта жиноятчилик қайд этилмади. Бироқ ҳудуд осойишталигини таъминлаш мақсадида ҳозирча 32 та кўчанинг тўрттасига кузатув камералари ўрнатилди.

“Бешбулок” маҳалласи туман марказидан 15 километр оғирликда, кенг адириликда жойлашган. Йиғин ҳудудида Деҳқонобод калий заводи жойлашган. Бу ерда икки мингдан ортиқ аҳоли меҳнат қилади. “Деҳқонобод” темир йўл вокзалининг шу ҳудудда барпо этилгани нафақат бешбулокликлар, балки деҳқонободликлар учун кулай транспорт воситаси бўлиб, узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Беш йилдан буён “Бешбулок” маҳалласида хизмат фаолиятини олиб бораётган. Шу боис тўрт мингга яқин аҳоли истикомаат қилаётган ҳудудни яқин билиб олганман. Ким қандай яшаётгани, қайси оилада қандай муаммо борлиги маълум.

Мақсадимиз, йиғин осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Алоҳида тоифадаги ва профилактик ҳисобда турувчи фуқаролар доимий назоратда. Барча ишларда фуқаролар, “маҳалла еттилиги” билан яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз.

Умумтаълим мактабида давомат бўйича муаммо йўқ. Натижалар яхши. Утган йили 23-мактаб ўқувчилари битирувчилари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичи бўйича туман миқёсида 1-ўринни қайд этганди.

Маҳаллада жорий йил ҳисобида бирорта жиноятчилик қайд этилмади. Бироқ ҳудуд осойишталигини таъминлаш мақсадида



ҳозирча 32 та кўчанинг тўрттасига кузатув камералари ўрнатилди. Фуқароларнинг хоҳиш-истакларига қараб, савдо дўконлари ва хонадонларига кўриқлаш-кузатув камералари қўйилмоқда. Келгусида ҳар бир камера янги қурилган 2-сонли ҳуқуқ-тартибот маскани биносидagi хизмат хонамга интеграция қилинади.

Афсуски, кам бўлса-да, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмоқда. Айниқса, эр-хотин жанжали, ёшлар ўртасида безорилик, олди-берди муаммосидаги тушунмовчиликлар қайд этилмоқда. Куни кеча ана шундай муаммолардан бири – пул олди-берди масаласи ўрганилди. Томонларга масаланинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилиб, ижобий ҳал этилди.

Бир сўз билан айтганда, умумий фаолиятимиз яхши. Шу сабаб, икки йилдан буён белгиланган мезонлар асосида яхши кўрсаткичларни қайд этиб, кўшимча муқофот пуллари билан рағбатлантирилмоқдамиз. Яқинда Президентимизнинг фармони асосида “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирландим. Бу ишончли оқлаш учун бор тажриба ва билимим билан юрт осойишталигини таъминлашга хизмат қиламан.

Икки йилдан буён белгиланган мезонлар асосида яхши кўрсаткичларни қайд этиб, кўшимча муқофот пуллари билан рағбатлантирилмоқдамиз.

ТАҲЛИЛ

## 61 та маҳалла “қизил” тоифада, 13 тасида оғир жиноятлар кўнайган

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобоқонов бошчилигидаги республика ишчи гуруҳининг Жиззах вилоятидаги ўрғанишлари якунланиб, натижалари сарҳисоб қилинди.

ИИВ

Ахборот хизмати

Давлат раҳбарининг топшириғига асосан, барча давлат органлари ва ташкилотлар зиммасига ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, маҳаллаларни жиноятдан холи ва хавфсиз ҳудудга айлантириш, аҳолининг муаммоларини манзилли бартараф этиш ҳамда ёшларнинг ишсизлигига барҳам бериш каби ишларни амалга ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Эндиликда сектор ва бошқа мутасадди ташкилот раҳбарларининг фаолиятига бевосита мурожаатлар кўрсаткичи, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳудуддаги жиноятчилик аҳволи билан ўзаро боғлиқ ҳолда баҳо берилмоқда.

Асосий мақсад, ҳудудларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, шунингдек, маҳалла фаолларининг ёшлар билан ижтимоий-ҳуқуқий ишлаш, уларнинг тарбиясига эътибор қаратиш, жиноят қилишга мойиллиги бор шахслар билан “ижтимоий профилактика” тамойили асосида иш ташкил этишда “маҳалла еттилиги”нинг вазифаларини тақомиллаштиришдан иборат.

Ўрганиш ишлари натижаларига кўра, вилоят ҳудудида алоҳида тоифадаги шахслар билан “маҳалла еттилиги” манзилли профилактик ишларни ташкил этиш, ижтимоий профилактика объектларни аниқлаш ва уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш, жино-



ятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширган ишлар ҳар ой маҳалла кесимида танқидий муҳокама қилиб борилган. Натижада маҳаллалар ҳудудида содир этилаётган маиший турдаги жиноятлар сони 28 фоизга камайиб, “қизил” тоифадаги маҳаллалар сони 43 фоизга қисқарган.

Мазкур жараёнда профилактика инспекторлари 48 243 та маъмурий баённомани “Е-маъмурий иш” электрон ахборот тизимига кириштириб, судларнинг қонуний қарор қабул қилиниши таъминланган.

Аёллар жиноят қурбонига айланишининг барвақт олдини олиш мақсадида ишга туширилган “Е-ҳимоя” электрон ахборот тизими аёлларнинг зўравонликка учраш ҳолатларини кескин камайишига имконият яратди. Тизимнинг ишга туширилганидан кейин вилоят ҳудуди бўйича 395 та оилавий низоларга барҳам берилди.

Шунингдек, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида амалга оширилган ишлар натижасида тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятлар вилоят

ҳудудида 70 фоизга камайишга эришилган, ёшлар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналиши бўйича ижтимоий профилактикага эътибор кучайтирилгани натижасида 3 435 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган.

Шу билан бирга, вилоят ҳудудида 61 та маҳалла ханузгача “қизил” тоифада. Улардан 13 тасида оғир турдаги жиноятлар салмоғи ошиб кетган. Вилоятда оила-турмуш муносабатлари доирасида, шунингдек, ёшлар ва аёллар иштирокида ҳамда ишсизлик оқибатида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш ҳамда бу борада маҳаллаларда шакллантирилган “еттилик”нинг ҳамкорлик масалалари танқид қилинди. Ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир маҳаллаларда сектор раҳбарлари, маҳалла раислари, маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш вазифаларга жиддий эътибор қаратиш зарур.



**2025 йилдан импорт қилинадиган пиво, табиий ва газланган виноларни реклама қилиш бўйича ЧЕКЛОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



**2026 йил 1 апрелгача меҳмонхоналарнинг камида 3 та хонаси НОГИРОНЛАР УЧУН жиҳозланса, субсидия берилади.**



**Эндиликда номоддий маданий мерос намуналарини сақловчи шахслар ҳар ойда 5 млн. сўм миқдорида РАҒБАТЛАНТИРИБ БОРИЛАДИ.**

**ИСЛОҲОТ**

# Ҳар бир бола ота-она меҳрига пайванд бўлса...

**Дилноза ХУСАНОВА,**

*Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси.*

Оилада, ота-она бағрида улғайган фарзанднинг қалби меҳру муҳаббатга ошно бўлади. Инсонийлик фазилатлари тўла-тўқис шаклланади. Жамият учун наф келтирадиган шахс бўлиб вояга етади. Шу маънода Ўзбекистонда илк бор етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, назоратсиз ва қаровсиз қолган болалар учун "Ихтисослашган тутинган оила" тизими жорий этилди.

Халқаро миқёсда бу "фостер" оилалар деб аталади. Бундай оилаларга 3 нафаргача бола берилади. "Фостер" оилалар эр-хотин, ёлғиз аёл ёки ёлғиз эркак бўлиши мумкин. Улар ўзи яшаб турган уй ёки

махсус тақдим этилган хонадонларда тутинган ота-оналик фаолиятини амалга оширади. Мухими, бу инсонларда болани тарбиялай олиш, меҳр бериш, ғамхўрлик кўрсатиш кўникмаси бўлиши керак. Улар 30 ёшдан 65 ёшгача бўлиши талаб этилади ҳамда психология, педагогика, тиббиёт йўналишидаги мутахассислик ва махсус билimlerга эга экани жуда муҳим саналади.

Тутинган ота-оналикка номзодлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малякасини ошириш маркази ташкил қилган махсус курсларда ўқитилади. Уларга белгиланган тартибда ҳақ тўланади. Болалар таъминоти учун давлат томонидан тегишли миқдорларда молиявий ёрдам бериланади.



Аслида, ота-она қандай сабаб билан ўз фарзандидан воз кечяпти? Уларнинг бундай оғир ҳаётини вазиятга тўғрив қилишга нима сабаб бўлди?

**Тутинган ота-оналикка номзодлар:**

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги қошидаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малякасини ошириш маркази ташкил қилган махсус курсларда ўқитилади. Уларга белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

Конунчиликда бола 18 ёшдан сўнг мустақил деб белгиланган бўлса-да, ҳеч бир ота-она фарзандини ўз холига ташлаб қўймайди. Бола ҳар доим, ҳар соҳада ота-она кўмаги ва қўллаб-қувватлашига муҳтожлик сезади. Айниқса, ҳеч кими йўқ, қаерга боришни, кимга суянишни билмайдиган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг бу ёшда ёлғиз қолишини тасаввур қилиш қийин. Эндиликда бундай болалар "Ёшларга ҳамроҳлик хизматлари" асосида 25 ёшгача қўллаб-қувватланади.

Бунда бола ўзини тиклаб олгунига қадар, унинг эҳтиёжлари ўрғанилади, яққа тартибдаги интеграция режаси асосида касб-хунарга ўқитилади, қизиқиши бўйича таълим олишида кўмаклашилади. Турар жойга муҳтож болаларга қонунда ўрнатилган тартибда уй-жой

га эга бўлишида ёки бошқа мулк ҳуқуқларини ҳимоялашда, қариндошлари билан муносабатларини тиклаш каби жиҳатларда ёрдам кўрсатилади.

Тутинган ота-она бағрида ўсатган айрим болаларнинг яқин ёки узоқ бўлса-да, қариндошлари бор. Баъзида улар болаларга давлат молиявий кўмак ёки уй-жой берганда пайдо бўлиб қолади. Хатто улар боланинг манфаатларини суиистеъмол қилган ҳолатларга дуч келади. Ижтимоий ходимлар бу ва бошқа хавф омилларидан болаларни 23 ёшгача ҳимоялаш, ҳаётга мослашишига ёрдам берувчи кўникмаларини шакллантириш билан шуғулланади.

Аслида, ота-она қандай сабаб билан ўз фарзандидан воз кечяпти? Уларнинг бундай оғир ҳаётини вазиятга тўғрив қилишга нима сабаб бўлди? Агар ёрдам кўрсатилса, болани ота бағрида сақлаб қолса бўладими?

Бундай мулоҳазалар ота-оналар билан янада кўпроқ ишлашни тақозо этади. Айнан шу йўналишда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги изланишлар олиб бормоқда. Болалар уйи негизда оилани қўллаб-қувватлаш хизматлари бўлади. Бунда тарбияланувчиларнинг оиласи қўллаб-қувватланади ва уларни мустаҳкамлаш учун хизматларни ташкил қилиш ҳисобига болаларни ўзини ота-онасига қайтариш ишлари фаоллаштирилади. Агар бунинг имкони бўлмаса, бошқа тутинган

оилаларга жойлаштириш чоралари кўрилади.

Шу билан бирга, қийин вазиятдаги ёш оналарни қўллаб-қувватлаш, гўдаклар етим бўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида "Оналар маскани" хизматини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Агар илк фарзандини дунёга келтираётган аёл боласидан турли сабаблар тўғрисида пайдо бўлиб қолса, "Оналар маскани" уни фикрдан қайтариш, боласига нисбатан оналик меҳри ва парвариш кўникмаларини ошириш, ҳуқуқий, психологик, ижтимоий ва бошқа муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Аёллар ҳомиладорлигининг 6-ойдан то 1 йил давомида фарзанди билан "Оналар маскани"га қабул қилиниб, уларда боласига нисбатан ҳиссий боғланишни шакллантиришга кўмаклашади. Шунингдек, боланинг отаси билан боғланиб, фарзанди олдидаги мажбуриятини эслатиш, аёлдан воз кечаётган қариндошлар билан ишлаб, ришталарини сақлаб қолиш ёки тиклашга алоҳида эътибор қаратилади.

Умид қиламизки, бу каби ислохотлар қўллаб болаларни ўз оиласи бағрида улғайишида муҳим кадам бўлади. Zero, қонунчилигимизда ҳар бир бола ўзининг оиласи, ота-онаси билан бирга яшаш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланишга ҳақли эканлиги белгилаб берилган.

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ**

**У 25-мактаб интернатидида этикдўзлик тўғрисида юришиб, "устоз-шогирд" аънанаси асосида болаларга ўз хунарининг сирасорларини ўргатиб келмоқда.**



Ҳозирда 2 000 нафар ижтимоий кам таъминланган оила фарзандлари график дизайн, инфорацион технологиялар, 3D моделлаштириш ва мобил дастурлаш йўналишларида тахсил олмақда.

**ЯНГИЛИК**

## Айрим ёлғиз кексаларга поездга бепул чипталар ажратилади

**Беҳзод АБДУРАҲИМОВ,**

*Тошкент шаҳар судининг иктисодий ишлар бўйича судьяси.*

"Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестри юритилади.

2024 йил 1 апрелдан реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ва уларга бевосита ҳамроҳлик қилувчи 1 нафар шахсга бир йилда бир марта темир йўл ёки шаҳарлараро автобус учун бепул чипталар (бориш ва қайтиш учун) ажратилади.

2024 йил 1 майдан реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдорида моддий ёрдам жорий этилади.

Ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг йўқотилган биометрик паспортлари улар реестрга киритилгунигача "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази буюртмаси асосида давлат божи ундирилмаган ҳолда алмаштириб берилади.

**2024 йил 1 апрелдан Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида эксперимент тариқасида:**

- уларда жойлаштирилган шахслар уларнинг эҳтиёжи ҳамда хоҳишига кўра қисқа ва узоқ муддат қолиш ҳамда интернет уйидан бутунлай чиқиш имконияти яратилади;
- улар томонидан мобил, кундузги катнов шаклидаги, қисқа ва узоқ муддатли ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилади. Бунда, мазкур хизматлардан:
- "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" АТга киритилган оилаларнинг ўзгалар парваришига муҳтож кексалари ва ногиронлиги бўлган шахслари бир йилда бир марта бепул;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари жойлашган ҳудуддаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар шартнома асосида фойдаланади.

# Кўнгли кемтик, аммо иродаси метин одамлар

**Тақдир синовларини кулиб, кези келганда сабр билан қаршилаётган шундай ёшлар бугун талайгина.**

**Хусен РАВШАНОВ,**

*Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги*  
*Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари.*

Кармана туманидаги "Янги обод" маҳалласида яшовчи Ҳаётжон Жалилов дастлаб бозорда аравакашлик қилган. Кейинчалик хунарга ўрганди. Ҳозир этикдўзлик билан шуғулланиб келмоқда.

Болаликдан ногиронлиги бўлган қаҳрамонимизнинг маҳаллада кичик пойабзал таъмирлаш устахонаси бор. Ҳаётнинг ҳаётга интилиши, шижоати баланд. Халол меҳнати билан рўзгор тебратлади. У 25-мактаб интернатидида этикдўзлик тўғрисида юришиб,

"устоз-шогирд" аънанаси асосида болаларга ўз хунарининг сирасорларини ўргатиб келмоқда.

Тақдир синовларини кулиб, кези келганда сабр билан қаршилаётган шундай ёшлар бугун талайгина. Соғлом инсонлар каби ишлаб, орзу-мақсадларига эришаётган йигит-қизлар таълим олиш билан бирга, хунарга ўрганмоқда. Тумандаги 25-мактаб интернати тарбияланувчилари учун бугун тикувчилик, гилам тўқиш, дурадгорлик каби кўпгина тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Бу ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва даромадга эга бўлишида муҳим кадам бўлди.

Умринисо Омонова орзуларини армонга айланишига йўл қўймади. Ўз даромадига эга бўлиши учун тинимсиз меҳнат қилди. У хонадонидида полиграфия хизмати кўрсатиш билан инсонларнинг мушуқлини енгили



**Бугунидан миннатдор, эртасидан умидвор юртдошларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ташаббускорига айланмоқда.**

қилапти. Келгусида замонавий касб сирларини ўрганишни ният қилган. Кармана тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази айни дамда унинг таклифларини ўрганиб, IT соҳаси бўйича бепул ўқиши учун кўмаклашмоқчи.

Эндиликда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга манзилли

ёрдм кўрсатиш, уларни касб-хунарга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш борасида "Ишга марҳамат" мономаркази билан ҳамкорликда ногиронлиги бўлган шахслар касб-хунарга ўқитилмоқда. Эътироф этиш керакки, қисқа вақт давомида ногиронлиги бўлган шахсларнинг 121 нафарининг бандлиги таъминланди, 1 837 нафари касб-хунарга тайёрлаш бўйича бандлик бўлимларига йўналтирилди.

Ҳозирда 2 000 нафар ижтимоий кам таъминланган оила фарзандлари график дизайн, инфорацион технологиялар, 3D моделлаштириш ва мобил дастурлаш йўналишларида тахсил олмақда. Кўнгли кемтик, аммо метин ирода соҳиблари, вақтини ғанимат билиб, ундан оқилона фойдаланишга одатланган. Уларнинг интилиши ва ҳаракатлари муносиб

қўллаб-қувватланмоқда. Шу маънода жорий йил 1 февраль ҳолатига кўра, Навоий вилоятида 43 767 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг 11 456 нафари меҳнат фаолияти билан шуғулланиш рўйхатига, 10 527 нафари параспортга, 3 494 нафари касб-хунарга лаёқати борлиги аниқланиб, электрон платформага киритилганини айтиб ўтиш ўринли. Энди уларнинг ҳар бири билан алоҳида ишлаш учун манзилли дастурлар мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳимоя марказлари инсон манфаатларини ҳимоя қилишда яқдил кўмакчига айланади. Мухими, инсонларга меҳр ва сазоват улашмоқда. Бугунидан миннатдор, эртасидан умидвор юртдошларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ташаббускорига айланмоқда.



**ШОХЖАҲОН ЭРГАШЕВ**  
28 март куни  
АҚШда Олимпия  
ўйинлари иштирокчиси  
билан жанг ўтказди.



**Ўзбекистон Гонгконгни**  
3:0 ҳисобида  
мағлуб этиб,  
2027 йилги  
ОСИЕ КУБОГИ  
йўлланмасини  
қўлга киритди.



**ҲУМОЙОН СУЛОНОВ**  
Ҳиндистонда  
“Фьючерс”  
туркумига кирувчи  
“M15 Chandigarh”  
халқаро турнирида  
чемпион бўлди.

МУШОҲАДА

# Касб-хунарли аёлнинг

*гап-сўзга тоқати,  
ёрдамга ҳождати  
қолмайди*



**Мухаббат МИРЗАЕВА,**  
Юнусобод туманидаги “Минор” маҳалласи хотин-қизлар  
фаоли, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси.

Унинг режалари ва орзу-мақсадлари жуда кўп эди. Аввалига мактабни тамомлаб, олий ўқув юрти талабаси бўлишни истаганди. Лекин омади келмади. Кутилмаган муваффақиятсизлик сабаб қаттиқ тушкунликка тушиб қолди. Узини чалғитиш учун кўпроқ дугоналари билан ҳамсуҳбат бўлишни, бирга вақт ўтказишни бошлади.

Яқин ўртоғи анчадан буён гаплашиб юрган суриялик бир йигит билан уни ҳам таништириб қўйди. Эндигина 18 ёшни қаршилаган қиз ҳаётнинг паст-баландини тушуниб-тушунмай ярим йилгача у билан суҳбатлашиб, айтганларини бажариб юрди. Улар дугонаси иккиси учун юборилган билет билан Сурияга учиб кетаётган вақтда аэропорлда тўхташиб қолди.

Утган йили туманимиздаги “Кўшчино” маҳалласида юз берган бу ҳолат ҳаммамизни янада сергак бўлишга ундади. Ҳуқуқшунос сифатида қизнинг суд жараёнида иштирок этдим. Аслида қилган ишлари учун 15 йилга қамқоқ жазоси берилиши керак бўлган вазиятда бу муддатни 5 йил 4 ойга қисқартиришга эришдик. Ёшлиқ қилиб хатога йўл қўйгани, ҳаёти ҳали олдинда экани, айбини тўла тушуниб етгани ҳисобга олинди.

Маҳалладаги хотин-қизлар билан ишлаш баробарида 64 та маҳаллага ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар бериб бораман. Фуқароларга уй-жой, мерос, фарзандини қайтариб олиш, алимент ундириш каби масалаларда йўл-йўриқлар кўрсатаман. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Олий суд ўртасида имзоланган меморандумга асосан суд жараёнларида иштирок этаман.

Ҳали олдимизда амалга оширишимиз зарур бўлган вазифалар талайгина. Биринчи навбатда аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Бунинг учун улар билан кўпроқ давра суҳбатлари ташкиллаштириб, қабул қилинаётган янги қарор ва қонунларнинг моҳиятини тушунириб беришимиз керак. Шу мақсадда ҳудудимиздаги 9 та кўча ва 29 та кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган хотин-қизларни навбат билан маҳалла идорамизда ҳуқуқшунос ва психологлар билан суҳбатларга чақирамиз. Қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Бугун юртимизда уларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида тўлиқроқ тушунча берамиз.

Фаолиятим давомида асосий эътиборни аёлларнинг касб-хунарга ўқиши ва бандлиги таъминлашга қаратаман. Сабаби қўлида иши бўлган одамнинг ортиқча гап-сўзга вақти қолмайди. Рўзғор юмушларини ҳам билиб-билиб қилади. Топаётган даромади билан оила бюджетига муносиб ҳисса қўшади. Энг муҳими, жамиятнинг фаол аъзосига айланади.

**■ Шу маънода туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳақида Мономарказ билан ҳамкорликда аёлларнинг ҳоши-истагини келтириб касб-хунарга ўқитяпмиз. Янги иш бошлаётганларни кредит ва субсидия асосида моддий қўллаб-қувватлаяпмиз.**

Маълумотлар билан аҳолига хизмат кўрсатиш учун руҳсат бермаган. Лекин унинг тикувчиликдан хабардорлиги ва шу йўналишда янада ривожланиш истаги борлиги сабаб қайнона-қайнотаси билан гаплашдик. Улар вазиятни тўғри тушуниб, розилик бергач, тавсиямиз асосида 33 миллион сўм кредит олди. Янги тикув машинаси харид қилди. Ҳозир уйда ўтириб, бир нафар шогирди билан бирга буюртмаларни чиройи қилиб эгаларига тикиб берапти. Ҳаётдаги бу ўзгаришдан жуда хурсанд.

Адиба Мухиддинованинг турмуш ўртоғи вафот этгач, қайнонаси яшаб турган уйини сотиб юбради. Аёл 2 нафар фарзанди билан бошпанасиз қолиб, анча қийналади. Шундан кейин уни “Аёллар дафтари”га рўйхатга олиб, шу асосида ижтимоий уй олишига ёрдамлашдик. Турмуш синовларида турли қийинчиликларга дуч келаётган бундай инсонларга кўмаклашиш, тиргак бўлишни зиммамиздаги асосий масъулият деб биламан.



ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

# Фитр садақаси кимларга берилади?

**Шуҳрат ҒОЙИМОВ,**  
Тошкент шаҳар “Кулолқўрғон”  
жоме масжиди имом-хатиби.

**Фитр садақаси рўзадан чиқиш муносабати билан бериладиган садақадир. У рўздор учун Рамазон ойи давомида айтган беҳуда гап-сўзлари, қилган хато ва камчиликларини ювиш ҳамда камбағал-мискинларга таомланиш имконини бериш мақсадида жорий қилинган. Ҳанафий мазҳабида фитр садақаси вожиб амал ҳисобланади.**

**ҚАЧОН БЕРИЛИШИ КЕРАК?**

Фитр садақасини Рамазон ҳайити куни тонг отгандан бошлаб, ҳайит намозига чиқишдан олдинги вақтга қадар бериш вожиб ҳисобланади. Рамазоннинг аввалидан берилса ҳам бўлади. Аммо Ҳайит намозидан кейинги қолдирмаслик керак. Агарда киши фитр садақасини ийд намозида бера олмаса, намоздан кейин беради, лекин савоби Рамазон вақтида берганчалик бўлмайди, аммо бериши шарт. Яъни уни беролмай қолган киши зиммасида фитр садақасини бериш вожиб бўлиб қолаверади.

**КИМЛАР БЕРИШИ КЕРАК?**

Муслмон эркакга аёл, балоғатга етган-етмаган, хоҳ оқил, хоҳ мажнун бўлсин, нисоб эгаси бўлсалар зиммаларига фитр садақасини бериш вожиб бўлади. Узида пули йўқларнинг номидан уларга нафақа бериш лозим бўлган шахслар беради.

Шунга ҳам диққат қилиш керакки, киши балоғатга етган фарзандлари ва хотини учун фитр садақа бериши вожиб эмас. Агар балоғатга етган фарзандлари ва аёли учун, улар айтишмаса ҳам, фитр садақасини берса, улар зиммасидан фитр садақаси соқит бўлади.

Ҳайит кечаси туғилган чақалоқ учун ҳам отаси фитр садақа бериши вожиб бўлади. Ҳомила ва ҳайит кунидан олдин вафот этганлар учун эса вожиб бўлмайди.

**КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?**

Фитр садақаси муслмон камбағал-мискинларга берилади. “Фаттаво Хиндия” китобида келтирилишича, фитрни беришда энг афзалли, аввало, (камбағал) ака-ука, опа-сингиллар ҳисобланади. Сўнгра уларнинг фарзандлари. Улардан кейин амаки-аммалар, сўнгра уларнинг фарзандлари. Тоға-холалар ва уларнинг фарзандлари сўнг юқоридигилардан ташқари қариндошлар. Улар-

**ЭСЛАТМА!**

**Фитр садақаси қийматлари Тошкент шаҳар бозорларидаги нархга асосан белгиланган бўлиб, ҳар бир вилоят ўз бозорларидаги нархга қараб фитр садақасини белгилайди.**

бойга, соғ-саломат ва ишлашга қодир бўлатуриб ишламай юрганга бериб бўлмайди. Бундан ташқари, гуноҳ ва маъсиятга, шунингдек, муслмонларга зарар келтирадиган ҳар қандай ишларга сарфлайдиган кимсаларга берилмайди.

Фитр садақаси муҳтожларнинг қўлларига мол сифатида берилиши лозим. Бу пуллар масжид қурилиши, умумий хайрия ишлари учун берилиши жоиз эмас.

**РЎЗА ТУТМАГАНЛАР ФИТР САДАҚАСИНИ БЕРАДИМИ?**

Бирор узрли сабаб билан рўза тутмаганлар ўзлари ёки улар номидан нафақа бериши керак бўлган одам фитр садақасини бериши керак. Қанча миқдорда берилади?

- бугўйдан – 14 000 (ун тўрт миң) сўм;
- арпадан – 20 000 (йигирма миң) сўм;
- майшудан – 110 000 (бир юз ўн миң) сўм;
- хурмодан – 180 000 (бир юз саксон миң) сўм деб белгиланди.

Ҳар ким ўз имкониятига қараб ушбу тўрт маҳсулотнинг хоҳлаган бир туридан фитр садақасини берса kifoya.

дан кейин қўшнилар, касбдошлар, кейин ҳамшаҳарлар ёки қишлоқ-дошлар ҳақли ҳисобланади.

**КИМЛАРГА БЕРИЛМАЙДИ?**

Фитр садақаси нисоб миқдорича моли бўлган бой кишига, ўзининг ота-онаси, бобо-момосига, ўзининг ўғил-қизларига ва уларнинг фарзандларига, эр-хотин бир-бирига бериш мумкин эмас. Шунингдек, ғайридинларга, фикс ишларини очик-ойдин қилиб юрвчи фосиққа,

ТАДБИР

# Жамият равнақи илму маърифатдадир

**Инсоннинг камолоти, жамиятнинг тараққиётида илм-фаннинг тутган ўрни бекиёс. Тарих гувоҳки, халқни халқ қилган, унинг номини ўтмиш саҳифаларига муҳрлайдиганлар ҳам аслида олим ва мутафаккирлар бўлган. Уларнинг тўлақонли фаолияти учун яратилган имкониятлар барчаси бир кун ўз самарасини бериши аниқ.**

Шу маънода бугун ўз устида ишлагани, илм йўлида янгилик қилишни мақсад қилган ҳар бир изланувчи учун эътибор ва имкониятлар етарли. Кунги кеча Олий аттестация комиссиясида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Анжуманда илм-фанни ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида ёш авлодни баркамол вояга етказиш, иқтидорларини намоен этишда амалга оширилаётган тўб ислохотлар ҳақида сўз юритилди. Илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси, соҳада шаффофлик ва холисликни таъминлаш, аттестация жараёنларини рақамлаштириш, коррупциявий ҳолатларга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган долзарб вазифалар хусусида кенг маълумот берилди.

Мутахассисларнинг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси натижалари”, “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси жараёнини рақамлаштириш”



мавуларидоги амалий фаолиятга таллуқли ахборотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган анжуманда қатнашчиларнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси жараёни, унинг илғор халқаро тажрибалар асосида

такомиллашуви, соҳани рақамлаштиришнинг аҳамияти ва илмий-техник янгиликларнинг амалий фаолиятга татбиқ этилишига доир долзарб саволларига жавоб қайтарилди.

**Олий аттестация комиссияси Ахборот хизмати.**



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер:  
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «Mahalla» nashriyot-matbaa uyii МЧЖ

Тахририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами – 380x587, 4 б.т. 4 645 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-320

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.